

## А Ж Р И М

2023 йил июнь ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Қува туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Раислик қилувчи: И.Норматов

Ж.Исмоновнинг котиблигида, давлат айбловчиси - Қува туман прокурорининг ёрдамчиси Ҳ.Комилжонов, гумон қилинувчи Т.Усмонов, фуқаровий даъвогар Д.Иминовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 185<sup>2</sup>-моддасининг 4-қисми билан гумон қилинган Усманов Турсунали Абдумажитовичга оид 1-1511-2303/217-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Усманов Турсунали Абдумажитович - 1976 йил 26 апрель куни Фарғона вилояти, Қува туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, оилали, беш нафар фарзанди бор, "Фарғона саноат сервис" МЧЖ раҳбари лавозимида ишлайди, Фарғона вилояти, Қува тумани, Янгибод МФЙ, Дўстлик кўчаси, 6-уйда яшайди.

Суд, гумон қилинувчи ва фуқаровий даъвогарнинг аризасини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Суриштурув органи томонидан Т.Усманов қуйидаги ҳолатда қасддан жиноят содир қилганликда гумон қилинган.

Жумладан, "Фарғона саноат сервис" МЧЖ раҳбари Т.Усманов жамиятга қарашли Қува тумани, Турк МФЙ ҳудудида жойлашган тош майдалаш цехида ўрнатилган "СЕ-308" русумли 012410166307690 рақамли электр энергиясини ҳисобга олиш асбобининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида унга ташқаридан аралашиб, ҳисоблагичнинг уланиш схемасига ўзгартириш киритиб, 2021 йил 22 октябрдан 2023 йил 10 мартга қадар жами 620.600 кВт электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб, туман электр таъминоти корхонаси манфаатларига 279.259.600 сўм миқдорида моддий зарар етказганлиги аниқланган.

Суриштирув органи томонидан Т.Усманов Ўзбекистон Республикаси ЖК 185<sup>2</sup>-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинган.

Фуқаровий даъвогар Д.Иминов судга ариза билан мурожаат қилиб, ҳозирда у, Т.Усманов билан ихтиёрий равишда ярашиб олганликларини, зарар бартараф этилганлигини, гумон



қилинувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ўзига нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи Т.Усманов судга ариза билан мурожаат қилиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда фуқаровий даъвогар Д.Иминов билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, зарар бартараф этилганлигини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганлигини билдириб, унга нисбатан жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд, иш бўйича гумон қилинувчи Т.Усманов ва фуқаровий даъвогар Д.Иминовнинг ярашув аризаларини ўрганиб чиқиб, прокурор Х.Комилжоновнинг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги хулосасини, адвокат Д.Рустамованинг гумон қилинувчининг аризасини қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, мазкур жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис, томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Суд, иш бўйича етказилган мулкий зиённи қоплаш мақсадида тўланиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Ипотекабанк” АТИБ Тошкент шаҳар Меҳнатобод филиалидаги депозит ҳисобрақамида сақланаётган 279.259.600 сўм пулларни Қува туман Электр таъминоти корхонасининг тегишли ҳисобрақамига ўтказишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 66<sup>1</sup>-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И:**

Усманов Турсунали Абдумажитович Ўзбекистон Республикаси ЖК 185<sup>2</sup>-моддасининг 4-қисми билан ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига асосан жиний жавобгарликдан озод қилинсин.

Усманов Турсунали Абдумажитовичга нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

Иш бўйича етказилган мулкий зиённи қоплаш мақсадида тўланиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Ипотекабанк” АТИБ Тошкент шаҳар Меҳнатобод филиалидаги депозит ҳисобрақамида сақланаётган 279.259.600 сўм пуллар Қува



туман Электр таъминоти корхонасининг тегишли ҳисобрақамига ўтказилсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма кун муддат ичида Фарғона вилоят судига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

ИМЗО

**И.Норматов**

нусхаси аслига тўғри:

**Маъсул судья: Норматов Иномжон Исмоналиевич**

